



Мутолаа қилинг / Карантин қоидаларига риоя этинг!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 11 июнь • пайшанба • № 61 (4346)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Кун
хити
мати



КУН
НАФАСИ

«Фахрий мураббий» ордени таъсис этиш тўғрисида»ги қонун Президент томонидан имзоланди.

Жаҳон банкининг шу йил июнь ойида чиққан «Жаҳон иқтисодий истиқболлари» маърузасида 2020 йил коронавирус эпидемияси шароитида ретсессия эмас, балки иқтисодий ўсиш тахмин қилинаётган Шарқий Европа ва Марказий Осиёдаги ягона мамлакат Ўзбекистон бўлиб қолиши ҳақида сўз қилинган.

«Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон» мультимодал транспорт йўлида биринчи блок-поезд ишга туширилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Қарамони, халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тадбир ўтказди.

Қирғизистон Республикаси Боткен вилояти раҳбарияти ташаббуси билан унинг ҳудудида Фарғона вилояти ҳокими Шухрат Ғаниев ва Боткен вилояти губернатори Алишер Абдураҳмонов бошчилигида чегара қўшинлари, хавфсизлик хизмати, ички ишлар, божхона бошқармаларининг бошлиқлари ҳамда вилоят прокурорлари, Қирғизистон Республикаси ҳукумати аъзолари иштирокида амалий учрашув бўлиб ўтди.

Корея Республикасидан таътилга келган юртдошларимизнинг бир гуруҳи чартер рейсда жўнаб кетди.

Ички туризмни йўлга қўйиш мақсадида бугундан Самарқанд шаҳридаги сайёҳлик объектига белгиланган санитария-гигиена талабларига риоя этган ҳолда фаолият кўрсатишга руҳбат берилди.

ЎЗА хабарлари асосида тайёрланди

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБИ

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига
Муҳтарам Президент
Жаноблари!

Сизга ва 2020 йил 1 май куни Сардоба сув омборининг тўғони қисман қулаши оқибатида жабрланганларга ҳамдардлик билдираман. Сув остида қолган уйлар, кўчирилган аҳоли, вайрон бўлган йўллар ва фермер хўжаликлари тасвирларини кўриш қалбни ларзага солади.

Шахсий эътибор ва тезкор чоралар кўриш орқали Сиз лидерлик хусусиятларини намойиш этдингиз. Давлат департаменти ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ҳам ушбу фожиага жавобан дарҳол чора кўрдилар ва кўмак кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатларимиз учун маблағ ажратдилар.

Америка Қўшма Штатлари ушбу мушкул пайтда Ўзбекистон ва унинг халқига елкадошдир.

Шу билан бирга, коронавирусга қарши курашда биргаликда иш олиб борар эканмиз, ушбу мудҳиш пандемияга қарши чора-тадбирлар учун ёрдам бўйича сўровингиз тез фурсатларда кўриб чиқилишини таъминлаш учун маъмуриятимга кўрсатма бердим.

Хурмат билан,

Дональд ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

ЭЗГУЛИК МАНЗИЛИ – АНДИЖОН ВИЛОЯТИ: УМИД ВА ИШОНЧ КЎЗЁШЛАРИ...



Ишчи гуруҳ Тошкентда иш бошлади

Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика ишчи гуруҳи Тошкент шаҳридаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганишга киришди. Шۇ муносабат билан Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясида йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Республика ишчи гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиков мутасадди раҳбарларга бир қатор муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Тошкент шаҳрининг Олмазор тумани намуна тариқасида танлаб олинди. Пойтахтнинг бошқа туманларига ҳам ишчи гуруҳ аъзолари бериқтирилди.

Ишчи гуруҳ аъзолари Олмазор туманидаги «Ислом ота» МФЙ

бўлиб, ёрдамга муҳтож хотин-қизлар муаммолари билан танишди.

Айни пайтда маҳаллада 5 минг 610 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Шундан 3 минг 39 нафари аёл киши. Маҳаллада ўтган йил давомида тўққизта оила ажрашган. 53 нафар хотин-қиз хорижга ишлаш учун кетган. 16 нафар аёл боқувчисини йўқотган. Ногирон аёллар сони 42 нафар.

– Маҳалламизда кам таъминланганлар рўйхатида турадиган оилалар йўқ, – дейди «Ислом ота» МФЙ

раиси Шавкат Ҳамидов. – Аммо бутун дунёда кузатилаётган пандемия туфайли боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор, асосий даромади кунлик ишлардан келувчи оилаларга қийин бўлмоқда. Уларга қўлдан келганча ёрдам беряпмиз. Лекин ҳамманинг кўнгилини бирдек олишинг иложи йўқ.


Нигора Холмирзаева оилавий шароити оғир аёллардан. Турмуш ўртоғи оғир ишга ярамайди. Устига-устак, битта фарзанди биринчи гуруҳ ногирони. Уни даволатишга эса

маблағ йўқ. Тўрт жоннинг асосий даромади шу боланинг ногиронлик нафақаси, холос.

Нигора Холмирзаева ишчи гуруҳдан дори-дармон ва оилавий шароитини яхшилаш учун моддий ёрдам ҳамда турмуш ўртоғини ногиронлик нафақасига чиқаришга ёрдам берилишини сўради.

Республика ишчи гуруҳининг Тошкент шаҳридаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганиши давом этмоқда.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Бугун
матбуотда
ўқинг...

QILA
DAVRASIDA

ЭГАСИЗЛИК
ИПЛАТИ
Она тилимизга муносабатни
шакллантирди

XASHKI

Биздан нега
нобелчилар
чиқмаяпти?

Qishloq hayoti
Қачонгача
бошқаларга ҳавас
қилиб яшаймиз?

Mahalla
Сўкиниш
раҳбарнинг
«безаги»ми?

Сурдарё
вилояти

Бир манзилда 24 дорихона...

Аммо изланганни топиш душвор

Гулистон шаҳрининг Н.Зокирова номидаги кўчасида нақ 24 та дорихона кетма-кет жойлашган.

«Карвон кўп, ризки бўлак» мақолига дорихона эгалари қаттиқ ишонишса керак. Йўқса, манзилнинг шаҳар вокзали ва бозор ҳудудига яқинлигини айтмаганда, яқин атрофида бирорта шифо маскани йўқ. 3–4 йилдан буён кам-мёб дори рўйхати излаган киши борки, шу кўчага бир бора бўйлайди. Бирок 24 та эшикка бош суқиб ҳам «излаган»ни топа олмай хуноб бўлганлар кўп. Дорихоналарнинг иш вақти 8:00 дан 19:00 гача. Мурожаат асосида дорихоналардаги маҳсулотларнинг хилма-хиллиги билан қизиқдик.

Биргина антибиотик олиш ниятида бўлган аёл биз билан баравар 5 та дорихонага киришига тўғри келди.

Дорихоналар дори воситалари савдоси билан бирга фаол равишда тиббиёт буюмлари савдосини ташкил этиши керак. Аммо бу дорихоналарда ўлчовчи воситалар ҳисобланган тонометр (қон босими ўлчовчи), тана ҳароратини ўлчовчи термометр каби воситалар, шунингдек, варикоз боғлама-ларини топишинг иложи йўқ.

Дорихоналар маҳсулот хилма-хиллигига ҳам жиддий эътибор қаратиши керак эмасми? Бунга мутасаддилар қандай фикр билдиради?

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

Луқма

Келгуси сонларда
ўқинг...



Яна ўша...
Жанизак ҳақида



«Яқл гимнастикаси»:
Хайрли анъанани
тиклаш вақти келди



Андижон вилояти

Ўзбек аёлларининг ажойиб, бетакрор феъл-у табиаи бор-да: ўзгалар олдида ҳамиша оила-сидаги аҳвол-руҳиятнинг яхши-сини ошириб, ёмонини яширади. Унча-мунча одамга дардини дoston қилавермайди. Айни жиҳат, аввало, менталитетимизга хос орият, ғурур ва андиша тўғуларининг кучли эканидан далолат.

Аммо бу – хотин-қизларни қийнаётган, ўйлан-тираётган мушкулот-у муаммоларга давлат ва ҳукумат жимгина томошабин бўлиб қараб турсин дегани эмас. Чунки у турмушидаги ўткир ҳаётий масалаларга ечим топилиб, кўнгли таскин топган тақдирдагина бор эътиборини фарзандларининг тарбиясига қаратади, болаларининг эртанги куни ҳақида жиддий қайғура бошлайди. Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва зарур чоралар излаш мақсадида уйма-уй юриб мулоқот қилаётган Республика ишчи гуруҳи ҳар бир масалага «Аёл дарди – жамият дарди» деб қараётганининг моҳияти ҳам шунда.

Хуллас, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакилларидан иборат гуруҳ Андижон вилоятидаги ҳолатни чекка ҳудудлардан бири – Марҳамат тумани мисолида ўрганди. Жуда кўплаб оилаларга кирилди, уларнинг турмуш тарзи билан танишилди. Гарчи турли тавшиш ва муаммолар ўйлан-тираётганига қарамай, меҳмонлар билан минг хижолатда, ийманибгина мулоқот қилаётган мунис, мушфиқ опа-сингилларимизнинг кўнглидаги гаплари, таъбир жоиз бўлса, гуруҳ аъзолари томонидан «суғуриб» олинди. Ҳўш, умумий манзара, якуний хулоса қандай?

Очиқ айтганда, қарийб барча масалаларнинг ўзаги оилалардаги моддий етишмовчилик, хусусан, ишсизлик билан боғлиқ. Буни аёлларнинг иқтисодий кўмак эмас, аксинча, доимий юмуш билан банд бўлишларига ёрдам сўрагани ҳам кўрсатиб турибди. Демакки, камбағалликнинг нималигини бошидан ўтказётган юрдошларимизда боқимандалиқдан кўра, ишлаш, шу орқали рўзгорини бутлаш, қисқача айтганда, ўз муаммосини ўзи ҳал этишга интилиш кайфияти кучли экани аён бўлди.

ИШИ БОРНИНГ – ИҚБОЛИ БОР

Вилоятда ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги иштирокида қарийб 300 банддан иборат дастур ишлаб чиқилиб, ҳудуддаги тўртта сектор амалий кўмағида унинг ижросига киришилди. Дастурдаги энг асосий вазифа йирик лойиҳалар орқали аёллар бандлигини таъминлашдан иборат. Шу мақсадда 18 та йирик лойиҳани рўёбга чиқариш кўзланган бўлиб, пировардида 2 минг 300 нафардан зиёд хотин-қизлар муқим иш ўрнига эга бўлишди.

Жумладан, Марҳамат туманида тадбиркор ҳамда касабаси уюшмалари тенг шерикчилигида ташкил этилган «Kasaba tekstil hamkor» масбулияти чекланган жамиятининг трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси шиддатли суриятда барпо этилмоқда. Ҳадемай фойдаланишга топширилиши мўлжалланаётган корхонанинг



Эзгулик манзили – Андижон вилояти:

УМИД ВА ИШОНЧ КЎЗЁШЛАРИ...

лойиҳа қиймати 6 миллиард сўмга тенг. Икки сменада иш ташкил этиш ҳисобига бу ерда роп-па-роса 600 нафар хотин-қизга меҳнат дафтарчалари очилди.

Эътиборлиси, айни кунларда яна икки лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш жараёни қизгин бормоқда. Улардан бири – Андижон шаҳрининг Боғишамол ҳақасида жойлашган «Маданий, марказ ва миллий мусиқа асбобларини тайёрлаш устaxonаси» фаолиятини кенгайтириш учун 1 миллиард сўм сармоа йўналтирилган бўлса, Жалқудуқ туманининг Гулистон маҳалласида «Миллий хунармандчилик маркази»ни ишга тушириш учун 500 миллион сўм маблағ ажратилган. Мазкур икки лойиҳа эвазига 200 нафар аёлнинг бандлигини таъминлашга эришилади.

Бандлик мавзусида гап борар экан, яна бир муқим жиҳатга ургу бермоқ даркор. Ҳамкорликдаги жиддий сазъ-ҳаракатлар боис туман ва шаҳарлар кесимида хотин-қизларни иш билан таъминлаш режаси ишлаб чиқилиб, ҳудудий дастурларга киритилди. Бугунги кунга қадар мазкур прогнозларнинг бажарилиши натижасида вилоятда ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 3 минг 904, субсидия ажратилиш орқали 339, ўзини ўзи банд қилган аёлларга меҳнат гувоҳномалари

расмийлаштириш орқали 1 минг 500 дан зиёд, касбга қайта тайёрлаш орқали эса минг нафардан ортиқ хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Айтишга осон, аммо бу рақамлар ортида мана шунча оиланинг ҳаётига ёрулик кираётгани, кечаги кунни билан бугунги ҳаёти ўртасида ижобий ўзгаришлар бўй кўрсатаётгани бор гап.

КўНГИЛЛАРДАН ЁНГАН ЧИРОҚ

Марҳамат туманида айни мавзудаги ўрганишлар якунида ишчи гуруҳнинг ҳудудий дастурга хулосаси берилгандаки, оғир ижтимоий аҳволдаги хотин-қизларга моддий ва амалий ёрдам кўрсатиш ҳам зарур. Бу билан 300 га яқин хонадондаги аёлларнинг касаначилик билан шуғулланишларига, уй шароитида даромад манбаига эга бўлишларига имконият туғилади.

Мана, ҳадемай эзгу мақсад рўёбга чиқди. Касабаси уюшмалари Федерацияси ҳисобидан қарийб 700 миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига зарур воситалар харид қилиниб, туманининг Қоракўрган қишлоғидаги маданият саройида ташкил этилган тантанали маросимда вилоят ҳокимлиги ҳамда касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси фаоллари иштирокида ўз эгаларига етказилди.

Жумладан, 37 нафар аёлга тикув машиналари тақдим қилинган бўлса, 13 нафар хотин-қиз музлат-гич, кир ювиш машинаси, газ плита, электр печи сингари маиший техника жиҳозлари билан тақдирланди. Шу билан бирга, санаторийга йўлланма, саломатлигини тиклаши учун дори-дармон ҳамда уй-жойини таъмирлаш мақсадида моддий ёрдамни қабул қилиб олган ўнлаб опа-сингилларимиз ҳам бўлдики, икки оғиз суҳбатга тортсангиз – хурсандлигидан гапирадиган гапини ҳам йўқотиб қўядиган даражада, фақатгина йиғлайди, холос. Кўзёшларда анчик алам ёки оғир дард эмас, балки умид ва ишонч кўринади.

Ана шулардан бири – Увайсий номидаги маҳаллада умргузаронлик қилаётган Ибодатхон ая Йўлдошева билан суҳбатлашсангиз, унинг қиёфасида ҳар қанча қийинчилик ва ҳаёт синовларига қарамай, иродаси метин, қалди букилмаган, ҳар бир кунни учун шукрона айтиб яшайдиган қишлоқ аёлининг сиймосини кўрасиз.

– Турмуш ўртоғим билан беш қиз, бир ўғилни тарбиялаб, камолга етказдик, уйли-жойли қилдик, – дейди Ибодатхон Йўлдошева. – Тўнғич қизим Ёқутхон 24 йил аввал – 19 ёшида бирданга оғриқчан бўлиб қолди. Тақдирига ёзилган экан, дард қаттиқ илашди-ю, ногирон бўлиб қолди.

Бухгалтер бўлиб ишлардим. Қизимнинг доимий қаровга, парваришга муҳтож бўлиб қолгани сабаб ишимни ҳам йиғиштирдим. Очиғини айтсам, илгари ҳам турли ишчи гуруҳлари оиламизни бир неча бор йўқлашган, аммо ўрганишлари натижаси доим исзиз кетарди – мен ҳам «Натижаси нима бўлди?» деб ортидан қувмасдим. Бу сафар эса чинакамига ҳайрон қолдим – хонадондаги шарт-шароитимизни кўриб кетишгандан кўп вақт ўтмай, мана кўриб турибсиз, оиламизга замонавий тикув машинаси ажратилди. Чеварликдан ҳабарим бўлса-да, оилавий аҳвол сабаб шу зарур жиҳозни харид қилишга ҳам қурбимиз етмасди. Барча ташкилотчиларга раҳмат – уйда ўтириб бичув-тикув юмушлари билан шуғулланишга имконият яратиб беришгани учун.

«Шукурмерган» маҳалласида яшовчи Дилрабо Жумабоевнинг оиласидаги вазият ҳам Ибодатхон аяникига ўхшаш. Турмуш ўртоғи билан бир ўғил, бир қизни камолга етказишди. Кенжаси – андиғани олти ёшдан ўтган қизалокнинг дардмандлиги, имконияти чекланганлигини тушуниш не, ҳис қиласан ҳатто. Оилада юзага келган қатор муаммоларнинг ўзаги эса иқтисодий етишмовчиликка келиб тақалиши бор гап. Ишчи гуруҳи аъзолари билан суҳбатда Дилрабо ийманибгина дардини ёрди: «Бирор корхона ёки ташкилотга кириб ишолмайман, қизимнинг ёнида бўлишим керак. Уйда ўтириб пишириқлар тайёрлаб, ёнимиздаги мактаб ошхонаси ҳамда маҳалладаги дўконларга тарқатишни режалаштирганман. Рўзгорга ҳарна-да! Қанийди, агар уйимда электр печ бўлса...»

Шу кунни Дилрабонинг ҳам орузи ушадди – бу ҳалол меҳнат қилиб, оиламга кўмаклашай, деган эзгу мақсад учун дастлабки қадам ташлади, демакдир.

ДИЛРОМДАН ИБРАТ ОЛИНГ, ДИЛРОМДАН!

Дилром дегани ким бўлди экан, деб ҳайрон бўлаётганингиз аниқ.


Айни вақтда Марҳамат туманида истикомат қилаётган Дилром Шахобидинова – андиғани тетапо бўлиб оёққа тураётган тадбиркор аёллардан. У бундан бир йил олдин ҳам шароити оғир, аҳволи ноқурлиги боис, уч фарзандини боқишга ҳам қийналаётган эди. Нега?

Аслида Дилромнинг маълумоти бор. Ҳамшира. 15 йил ишлаган. Аммо кенжа фарзанди ногиронлиги боис, ишга чиқолмай қолади. 2009 йилдан буён ўн йил умри қийинчиликда ўтди. Уйда қандолатчилик, тикувчилик билан шуғулланиб, фарзандларини боқиб келган. Бирок «рўзгор – гор» деган гап бекорга айтилганми?

Сўнги бир йил ичида у хотин-қизларни қўлаб-қувватлашга қаратилган имкониятлардан пухта бизнес режа билан, ўз ўрнида фойдалангани эвазига имтиёзли кредит олиб, ўз ҳаётида туб бурилиш ясади олди. Бугун наинки ўзини, балки 15 нафар ишсиз аёлларни ҳам иш билан таъминлаган. Рўзгори бут, оиласи тинч. Энг муҳими, келажакка ишончи бор. Ишчи гуруҳи турли хонадонларнинг муаммоларини ўрганиш баробарида Дилромнинг ибратли ишларига ҳам гувоҳ бўлишди.

Мухтасар сўз шуки, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг меваси – эътибор ва рағбатдан баҳраманд бўлган опа-сингилларимиз ҳам яқин келажакда Дилром каби ҳаётини янги ўзанга буриб олишларига катта ишонч бор. Ахир, атрофимизда бир оғиз далда, ширин сўз, озгина қўллов катта ўзгаришларга туртки бўлганига мисол камми?

Нурилло НЎЪМОНОВ, «ISHONCH»



Қашқадарё вилояти



Кунни кеча Қашқадарё вилоятининг 15 та оромгоҳида болаларни соғломлаштириш мавсуми бошланди.

– Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда вилоятда 10375 нафар ўғил қизни оромгоҳларда дам олдириш ре-

Яхши дам ол, болажон!

жарлаштирилган, – дейди Қашқадарё вилояти касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Файзулла Маҳмудов. – Шундан 5640 та йўлланма учун ижтимоий сўғурта фондидан маблағ ажратилса, 4735 нафар болани дам олдириш туман, шаҳар ҳокимликлари ва ҳомий ташкилотлар, корхона, муассаса ҳамда тадбиркорлар томонидан амалга оширилди.

– Бу йили жами 150 нафар ўғил-қизни оромгоҳда дам олдирамиз, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касабаси уюшмаси Чироқчи тумани кенгаши раиси Абдураим Ҳайдавлов. – Шундан 60 нафари биринчи навбатга тегишли.

– Мана, биринчи навбат бошланди. Яккабоғлик 60 нафар

ўғил-қизни «Зиё чашмалари» ва Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳларга кузатдик, – дейди тармоқ касабаси уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси Алишер Хонназаров. – Туман кенгаши ходимлари ҳар йили ёзда оромгоҳларда бўлиб, турли спорт тадбирлари уюштирар ва илғор ўқувчиларни эсдалик совғалари билан тақдирлар эди. Бу йил ҳам аънанани давом эттирамиз.

– Уч ой давомида оромгоҳни янги мавсумга тайёрладик, – дейди Яккабоғ туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги оромгоҳ раҳбари Ўткир Муҳаммадиев. – Коронавирус пандемияси даврида барча жараёнларда ижтимоий масофани сақлаш ва тозаллик-озодлик тадбирлари, юқори тиббий текширув ҳамда қатъий

Ёзги соғломлаштириш

тартиб устувор бўлади.

Ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, жисмоний сифатларини янада яхшилаш учун турли фан ва спорт тўғрақларини ташкил этганмиз. Қисқача айтганда, дам олувчи болаларнинг кенг ва баҳаво оромгоҳимизда ўтказадиган ҳар бир дақиқаси уларнинг зукколиги ва саломатлигига ҳисса қўшиши керак. Вилоят халқ таълими бошқармаси тавсия қилган тарбиячи ва етакчиларимиз масъулиятли мавсумга шай...




Акmal Абдиев, «ISHONCH»

кўряпмиз, – дейди «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти Марказий касабаси уюшмаси кутубхонаси директори Азиза Иномова. – Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида китобхонликка чорловчи турли викториналар ўтказишни режалаштирганмиз.

Таъкидлаш жоизки, тармоқ тасарруфидаги корхоналарнинг имконияти чекланган ходимлари, кам таъминланган, кўп болали ҳамда қишлоқ туманларида истикомат қилаётган темирйўлчиларнинг фарзандлари ва боқувчиси йўқ болалар оромгоҳларда бепул соғломлаштирилади.

Шерзод ИСМОИЛОВ, Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касабаси уюшмаси ташкилий ишлар бўлими мудири



Наманган вилояти

12 июнь – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кун

Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан 12 июнь санаси – Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши курашиш кун, дея расман эълон қилинганга 18 йил тўлди. Ер юзи бўйлаб болаларнинг ҳар қандай кўринишдаги оғир меҳнати тақиқланганига қарамай, ҳозир ҳам дунё бўйича ишлаётган 5 ёшдан 17 ёшгача бўлган болалар сони 218 миллион нафарни ташкил этади. Шулардан 152 миллиони замонавий кўринишдаги эксплуатацияга учраган бўлса, яна 73 миллиони ҳаёт учун хавфли бўлган меҳнат фаолияти билан шуғулланиб келаётгани ўрганишлар асосида ўз тасдиғини топган.

Фарзандингиз ҳимояда(ми?)

Болалар меҳнати ўзи нима? Бу – асосан болалар учун хавфли ёки ақлий, жисмоний, ижтимоий, ахлоқий жиҳатдан зарарли ишлар, болаларнинг таълим олишига тўсиқ бўладиган меҳнатдир. Халқаро ва миллий қонунийликка мувофиқ, 18 ёшга тўлмаганлар бола ҳисобланади.


– Ўтган йиллар мобайнида юртимизда болалар меҳнатига қарши курашиш бўйича бир қатор самарали ишлар амалга оширилди, – дейди бу ҳақда Наманган вилояти касабаси уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси юристи Баҳром Раҳимбердиев. – Халқаро меҳнат ташкилоти билан фаол ҳамкорлик натижасида мазкур ташкилотнинг «Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари»га барҳам бериш ва тақиқлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 182-конвенциянинг 2008 йил 8 апрелда ратификация қилиниши юртимизда мавжуд болалар меҳнатига барҳам беришдаги энг катта қадам бўлди

десақ, хато қилмаймиз. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича ишлар янада кучайтирилди.

Шунингдек, Халқаро Меҳнат ташкилотининг «Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида»ги 105-сонли, «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги 138-сонли конвенцияларининг ҳукуматимиз томонидан биринчилардан бўлиб ратификация қилиниши юртимизда катта-ю кичикка муносиб меҳнат шароитининг яратилиши учун замин бўлди. Ушбу ҳужжатларда белги-ланган нормаларга кўра, миллий қонунийликда 18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан мазкур тоифа ходимларининг соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш, шунингдек, меҳнатта маъмурий тарзда мажбурлаш тақиқланган.

Бола ўз номи билан бола! У биринчи гада таълим олиши, ўз вақтида дам олиши, яхши шароитда яшashi ва энг муҳими, биз – катталар меҳрини ҳар лаҳзада ҳис этиб туриши керак. Ўзбек оиласида болани меҳнат қилишга асло мажбурлашмайди. Балки болаларимиз, момоларимиз набираларига ёшлигиданоқ меҳнатнинг моҳиятини англатишди, холос. Бунга оддий бир мисол: Бобо эрта баҳорда набираси билан бир туп кўчатни ерга қадаб, унга кичкинтой қафтларидан сув куйдиради. Кўчат мева бергунча бобо набираси билан бирга уни парваришлайди. Дарҳақ ҳосилга киргач, отахон меҳнатнинг энг сарасини набирасига тутқазиб, меҳнатнинг «меvasи» қанчалик ширинлигини уқтиради. Ана шундагина бола ҳаммасини ўзи англаб етади.

Орузул РУСТАМОВА, «ISHONCH»



Тошкент вилояти

Оромгоҳлар мунтазир

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тасарруфидаги «Янги авлод», «Қибрай», «Бурчмуло» оромгоҳларидаги павильонлар, тиббий пунктлари, ўхшалтич майдонлари, маъмурий бинолар, ошхона, ётқоҳона ва сув ҳавзалари таъмирдан чиқарилди. Дам олиш майдонлари, турли уйингоҳлар шинам ҳолга келтирилди. Кутубхона, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари ҳамда турли аттракцион уйинлари майдонлари ҳам дам олувчилар учун тайёр.

Шу вақтга қадар соғломлаштириш оромгоҳларини мавсумга тайёрлаш, уларни

мавсум давомида тўлиқ фаолият юритиши учун зарур бўлган муҳандислик-коммуникация тизимининг соғлиғини текшириш, таъмирлаш, ошхона ва озиқ-овқат, дори воситаларини сақлаш асбоб-анжомлари ҳамда хизмат кўрсатувчи авто ва алоқа техникалари билан таъминлаш ишлари бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

– Оромгоҳларда дам оладиган болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, уларнинг маънавий дунёқарашини ошириш, адабиёт ва санъатга қизиқтириш мақсадида катта тайёргарлик

Сардоба вилояти

«Саломатликни бепул тиклаймиз!»

«Сардоба» сув омборида юзага келган техноген ҳолатдан зарар кўрган фуқароларнинг ҳолидан хабардор бўлиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишлариغا касаба уюшмалари ҳам фаол ва ташаббускор бўлмоқда.

Мавсум давомида бепул сиҳатгоҳ йўлланмалари топшириш билан Сардоба, Оқолтин ҳамда Мирзаобод туманининг қарийб 1 минг 600 нафар аҳолиси саломатликларини тиклашга эришиш режа қилинган. Жорий йилнинг 9-, 10-июнь санасида 977 нафар фуқаро сиҳатгоҳларга кузатилади.

Айни вақтда улар «Ботаника», «Бўстон», «Чинобод», «Кўхинуру», «Умид гулшани» ҳамда «Янгиер» дам олиш масканида 14 кунлик муолажа ва ҳордиқ чиқаришни бошлашди.

Нуроний ва катталар билан бир қаторда ҳаёт қувончи бўлмиш болажонларга ҳам алоҳида меҳр-эътибор кўрсатилмоқда. Мамлакатимизнинг энг сўлим ва оромбахш ҳудудларида жойлашган масканларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан сув



тошқини оқибатида вақтинча кўчириб келтирилган 476 нафар болажонларни Тошкент вилоятида жойлашган «Анор» ва «Кўёшли» оромгоҳида соғломлаштириш бошланди. Мавсум давомида 3024 нафар фарзанд бепул соғломлаштирилишига эришилди.

Уларни шифо манзилларида вилоят касаба уюшмаси масъул ходимлари кузатиб бормоқда. Йўл-йўлакай бириктирилган махсус тиббиёт ходимлари ҳар бирларининг саломатлигини назорат қилишмоқда.

Бошимизга кутилмаганда келган синовларни энгиш жараёнида кўмак бераётганлардан миннатдоримиз. – дейди Сардоба туманидаги «Кўргонтёпа» МФИда яшовчи Эргаш Шониезов. – Касаба уюшма кўмитаси умр йўлдошим

билан биргаликда сиҳатгоҳда саломатлигимизни тиклаш учун сертификат бериши. Бундай имтиёз маҳалладошларимга ҳам берилмоқда.

– Эътибордан мамнунмиз, – дейди Оқолтин туманининг «Шодлик» МФИда яшовчи Шаҳарой Шайманова. – «Ботаника» сиҳатгоҳи йўлланмаси кўпчилигининг орзуси ҳисобланади. Ушбу масканда бепул саломатлигимни тиклаш имконияти яратилганидан миннатдорим.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Қаторда норинг бўлса...

«Яшил ҳудуд» тоифасига киритилган Зомин туманидаги «Азим Зомин шифо» санаторийси ўз фаолиятини Сардобадаги тошқиндан жабрланган меҳнат фахрийларига хизмат кўрсатишдан бошлади. Айни вақтда ушбу санаторийда 10 нафар нуроний дам олиб, соғлиғини тиклаётир.



– «Қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди» деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир бор амин бўлдик, – дейди «Юртдош» маҳалласидан дам олишга келган Нилуфар Ашурбоева. – Бошимизга оғир ташвиш тушган пайтда ёлғизлатиб қўйилган ҳуқуматимиз ва халқимиздан беҳад миннатдоримиз. Уларнинг ёрдами билан кўплаб ташвишларимиз ариди. «Азим Зомин шифо» масканининг ташаббуси ҳам бизни чексиз руҳлантириб, беҳад қувонтирди. Бунинг учун шифо маскани жамоасига ўз миннатдорлигимизни билдирамыз. Таъкидлаш жоизки, 100 ўринга мўлжалланган жаммада дам олувчилар учун барча шароит яратилган. Бу ерда кардиология, неврология, урология, гинекология, стоматология каби ўнга яқин йўналишда хизмат кўрсатилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Самарқанд вилояти

Бор бўл, оқибат!

Назоратсиз қолаётган назорат

КАРАНТИН... ҚАНАҚА КАРАНТИН?

Коронавирус пандемияси сабабли жорий этилган карантин меҳнатни ташкил этиш, иш шароити, ходим хавфсизлигининг ишончли кафолати сингари бир қатор талабларга масъулият билан ёндашишни талаб этмоқда. Меҳнат жабҳаларида яратилган шарт-шароит эса касаба уюшмалари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан иборат ишчи гуруҳи томонидан муттасил назоратга олинган. Айни чоққача Самарқанд вилоятида 10719 нафар ишчи меҳнат қилаётган 364 та корхона ва ташкилотда амалдаги қоидаларга риоя қилиш юзасидан мониторинглар ўтказилди.

– 344 та ишлаб чиқариш корхонасида ходимлар қатнови учун махсус автобуслар ташкил этилган, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат техника инспектори Усмон Каримов. – Ўрганишларда 318 та корхонага хизмат кўрсатаётган автобусларда оралиқ масофа сақлаш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳолатлари унутиб қўйилаётгани аниқланди ва чоралар кўрилди.

Худуддаги бир қатор корхоналар ходимларни умумий ётоқхона билан таъминланган ҳолда фаолиятларини давом эттиришаётир. Айни чоғда вилоятда бундай усулда ишлаётган ташкилотлар сони 64 та. Ётоқхоналарнинг 51 тасида вахта услубида, 13 тасида эса вахтасиз услубда ишлаётган ишчилар истиқомат қилмоқда. Назоратдан ўтказилган бу тураржойларнинг 13 тасидаги шароит қониқарсиз, гигиеник талабларга жавоб бермайди.

Таассуфланарлиси шуки, иш ташкил этган корхона мутасаддилари эпидемиологик вазиятни англаши, кўпчилигининг тақдирига бепарво бўлмаслиги лозим бўлган бир шароитда масъулиятни унутишган. Ходим жамоасининг ютуғи учун кераг-у, эртаси учун зарур эмасми? Бирор ҳодиса юз бермаслигига ким кафолат беради? Энг ачинарлиси, оддий талабларга ҳам риоя қилинмаяпти. Бундай лоқайдликка мурося қилинмайди.

Вилоятдаги 247 та ташкилотга кириш жойларида дезинфекция жиҳозлари ўрнатилмаган. Мутасадди раҳбарлар билан қилинган



мулоқотларда улар турли баҳона, ваз-қарсонлар кўрсатишади.

Ишчи гуруҳи фақатгина мавжуд ҳолатни таҳлил қилиб бормасдан, балки иш бошлаган, унга тадорик қўраётган ташкилотларда тарғибот тадбирлари ҳам ташкил этилмоқда. Шу чоққача 364 та корхонада меҳнат шароити яратиш, ходимларга махсус кийим, пойабзал ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ишга бориш ва келишда, иш жараёнларда махсус ниқобларни тақиб юриш, меҳнат жойларини антисептик воситалари билан таъминлаш, фойдаланиш йўл-йўриқлари тушунтирилди.

Ўрни келганида айтиш жоизки, Самарқанд шаҳридаги бир қатор ташкилотларда хавфсизлик чоралари рисоладагидек ташкил этилмади. Аммо бевосита фуқаролар билан ишлайдиган баъзи ташкилотлар эса ҳамон кун талабини унутишмоқда. Жумладан, аҳоли гавжум бўладиган жойлардан бири электр тармоқлари корхоналаридир. Унинг тўлов кассаларидаги ҳолат ёмон. Ишчи гуруҳи Самарқанд шаҳар электр тармоқлари корхонаси кассасида тартиб интизомни йўлга қўядиганининг ўзи йўқ. Электр энергияси учун ҳақ тўлашга тўпланган фуқаролар ўртасида масофа

сақлаш ҳолати талабга жавоб бермайди. Масофа сақланмаган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатиш ушбу тизимнинг барча туман бўлимларида урчиғанига гувоҳ бўлиш мумкин. Ваҳоланки, айнан шу тармоқ ходимлари аҳоли билан кўп мулоқот қилади.

– Аксар қурилиш ташкилотларида ҳам безътиборлик бор. Тизимда ишлаётган ходимларнинг кўпи вақтинчалик ётоқхоналардан фойдаланиб меҳнат қилишаётир, – дейди бирлашма кенгаши етакчи мутахассиси Муҳаммад Сатторов. – Ана шундай бошпаналарнинг 13 тасида кийим алиштириш, ювениш хоналари йўқ, Яшовчилар умумий сўрилардан фойдаланган ҳолда истиқомат қилиб келмоқда.

Синови кунларда ўзликка бўлган эътибор жамиятимизга бўлган эътибордир. Лоқайдлик, бепарволикнинг охири вой бўлиши мумкин. Бугун мутасадди раҳбардан ҳам оддий ходимдан талаб этиладигани – белгиланган тартибга қатъий риоя этишидир. «Кўза кунда эмас кунда» синишини унутмайлик.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Дунё ташвишлари

Инсоният фаровонлигига хавф солаётган бало

Мана, иккинчи йилдирки, олимлар ва халқаро ташкилотлар ёз ойларида чигиртка офати минглаб гектар майдонлардаги экинларга қирон келтириши ва миллионлаб инсонлар очарчилик хавфи билан юзма-юз келишидан огоҳлантирмоқда. Олдинроқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти июнь ойида чигиртка уруғи қуритилмаса, таҳдид жиддий эканини маълум қилган эди.

Мўр-маллахи инсоният азалдан бало-қазо, деб билган ва қадимий илоҳий китоблар – Библия ҳамда Қуръонда ҳам эслатилган. Қадимий Рим тарихчиси Плини Элъдернинг ёзишича, чигиртка балоси туфайли Ливия, Жазоир ва Тунисда 800 минг нафар одам нобуд бўлган. Утган аср ўртасида – 1958 йили Эфиопияни босган чигирткалар 167 минг тонна ғалани еб битирган. Бунча дон бир миллион нафар одамни бир йил боқшига етарди.

Чигиртка бутун дунёда ҳақиқатан ҳам балога айланган йиллар кам бўлган. Бу хурж 1990 йиллар ва 2000 йилларнинг бошида ҳам кузатирилган. БМТнинг Озиқ-овқат ва деҳқончилик ташкилоти 2020 йилги вазият охириги 20 йилдаги энг жиддий вазиятлардан бири бўлишини башорат қилмоқда. Айниқса, Шарқий Африка мамлакатлари икки йилдан бери чигирткалар хуржидан зарар кўрмоқда. Утган йили Эфиопиялик фермерларнинг айримлари ҳо-жудо бўлди. Шу йил янгаласи Эфиопия лети парвозини мажбур қилган 70 йилда бунофа

БМТ чигиртка балосига қарши курашда Шарқий Африка мамлакатлари учун ёрдам сўраб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилгани муаммо кўлами ҳақиқатда хатарли эканидан далолат беради. Дунёдаги аксар мамлакатлар коронавирус пандемияси ортидан иқтисодий қийинчиликларга дуч келди. Африка мамлакатлари эса аллақачон очлик ва коронавирус балоларига рўпара келган. Буларга чигиртка офати ҳам қўшилиши Африка мамлакатларида миллионлаб инсонларни очарчиликка дучор қилиши мумкин.

Эфиопия, Эритрея, Кения ва Сомалига ёпирилган сахро чигирткаси Покистондан борган. БМТ Озиқ-овқат ва деҳқончилик ташкилотининг башоратича, бу йил олди олинмаса, чигирткалар бугдой, нўхат ва картошка ҳосилининг 15 фоизини еб битириши оқибатида Покистон қишлоқ хўжалиги 1,2 миллиард долларлик зарар кўриши мумкин.

Покистон чигирткаси Эронга ҳам ўтиши мумкинлиги айtilган, Эронга қўшни Туркманистонда

эса шу йил апрель ойидан чигирткалар кўпаяётгани кузатирилган. Туркманистон эса кейинги 2-3 йил ичида бу офатга қарши курашиш учун 150 тадан ортиқ махсус пуркагич тракторларни Ўзбекистондан харид қилди. Туркманистоннинг чўл ҳудудларидаги 1 миллион гектар ерида чигирткалар ниҳоятда кўп.

2018 йил июль ойида дунёда кузатирилган иккита чигирткалар босқини ҳам ҳаммани ҳайратга солган эди. Аввало, Лас Вегас устига чигиртка ёғди. Кейин минглаб чақирим узюкда, урушлардан силласи қуриган Яман устига мўр-маллаҳ ёпирилди. Яқин келажакда Африка, Яқин

Шарқ ва Марказий Осиёдаги 60 мамлакат устига мўр-маллаҳ ёпирилиши мумкинлиги башорат қилинган. Бу тахминлар ўзини оқлади. Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга ҳам очофат чигирткаларнинг кириб келиши кузатилади. Ўртада баланд тоғлар ёки улкан денгизлар йўқ мамлакатларга жабр бўлиши эҳтимоли юқори. Энг хавотирли жиҳати – бу мамлакатларда чигиртка ёғирлари тез-тез рўй бериши кутилади ва озиқ-овқат таъминотини издан чиқариши эҳтимоли ортиб бораётир. Жаҳонда иқлим исизи кўрт-қумурсқалар, хусусан, чигирткаларнинг овқат ҳазм қилиш хусусиятини ўзгартириб юборган. 2018 йили АҚШ олимлари тарафидан Science (Илм-фан) журналада чоп этилган тадқиқот натижаларида айтилишича, исётиган об-ҳаво шароитлар боси чигирткалар фаоллашиб, жадал кўпайишлари учун қулай имконият яратилади. Айни пайтда, уларнинг иштаҳаси ҳам очилади: чўл чигирткаси бир кунда ўз танасига тенг миқдорда озиқ-овқат ейди. Ҳар бир даража исиган ҳарорат – чигирткалар етказадиган зарар 10-25

фоиз кўпаяди, дегани. Иқлим исиб бораркан, бугдой, шоли, маккажўхори ва бошқа экинларни йиғиб олмасдан туриб, уларни чигирткалар еб битира бошлайди. Айниқса, катта миқдорда бугдой ва шоли екиладиган мамлакатлар кўп азият чекиши мумкин. Нафақат чигирткалар, умуман, экин-тикинни ейдиган бошқа кўрт-қумурсқалар ҳам кўпайиши кутилади. Айниқса, қуруқ иқлим, тропик бўлмаган мамлакатларда чигирткалар тез кўпаяди. Бошқа кўрт-қумурсқалар ҳам кўпайса-да, аммо экинларни еб тугатиш бобида ҳеч қайси бири чигирткага етмайди. Африкада охириги йиллари чигирткалар 3 миллиард долларлик зарар етказган. Бутун дунё миқёсида олганда, озиқ-овқат таъминотида чигиртка етказадиган зиён кичик – атиги 0.02 фоиз. Аммо чигиртка балосига дуч келган мамлакатда айни кўрсаткич анча банд бўлиши ва инсоний ёки иқтисодий инқирозга йўл очиши эҳтимоли йўқ эмас.

БМТ Озиқ-овқат Ташкилоти чўл чигирткаси кўпайиши дунё аҳолисининг 10 фоиз қисмига зарар етказди, деб хавотирланмоқда. Демак, ҳар бир минтақадаги давлат чигиртка балога қарши курашда биргаликда, маслаҳатлашган тартибда курашиш зарур. Ақс ҳолда, бу дон маҳсулотлари тақчиллиги, очарчилик, ривожланмаётган давлатларнинг яна қудратли давлатларга тобелигини келтириб чиқаришга йўл очиши мумкин.

Абдували СОЙБЕНАРОВ,
шарҳловчи



Ҳафталик таассуротлари: «ОШ» ДЕБ ШАВЛА ТОРТСАЛАР...

Мушоҳада

Шу йилнинг 2-8 июнь кунлари «Sevimli» телеканали орқали «Маданий карантин» лойиҳаси доирасида «Хоразм маданияти ва санъати» ҳафталиги ташкил қилинган санъатсевар халқимиз учун муносиб тўхта бўлди.

Тан олиш керак: пойтахтдан анча олисдаги ҳудуддан жонли ижродаги концертни элга армуғон қилиш осон бўлмаган, албатта. Шу маънода Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва бошқа қатор ташкилотлар вакиллари карантин шароитида халқимизга хушнудлик бахш этиш мақсадида кўрсатган жонбозликларини алоҳида қадрлаймиз. Кўпчиликка манзур бўлган концертларнинг эфирга узатилишида «Sevimli» телеканали билан бирга Хоразмдаги «S Иқбол» телерадиоканали ҳам хизмати катта.

Айтиш мумкинки, концертлар давомида экранда бериб борилган хабарлар санъаткорларнинг чиқиши кўпчиликка манзур бўлганини кўрсатди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раҳматжон Қурбонов, Оғабек Собиров, Тўлқин Жабборов, «Нихол» мукофоти соҳибдорлари Дилмурод Султонов, Мурод Қиличев, Бунёд Саидов ҳамда Хулқар Абдуллаеванинг мухлислари нафақат республикамизда, балки кўшни давлатларда ҳам кўпчиликни ташкил қилишига гувоҳ бўлди.

Хўш, санъатсевар хоразмликларнинг ўзлари ушбу дастурлар ҳақида қандай фикрда?

— Концертларни яйраб тингладик, — дейди меҳнат фахрийси Тингладик Сафарбоев. — Ҳар бири ўзига хос. Улар бизнинг маданий дам олиб, хордиқ чиқаришимизга ёрдам берди. Созандаларимиз куйларни маҳорат билан ижро қилишди. Хоразм мақомлари, ялла кўшиқлари, замонавий эстрада санъати, халқ оғзаки ижоди намуналари барчага маъқул келди, деб ўйлайман. Ушбу дастур муаллифларига, уни амалга оширганларга катта раҳмат!

— Менга ҳафталикнинг охириги кундаги дастур жуда ёқди, — дейди Шовот туманидаги «Бўйрачи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Наримон Отажонов. — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Оғабек Собиров, мақом кўшиқларининг моҳир ижроси Азамат Отажонов ижросидаги мақом-у сувораларни эшитиб дилимиз яйради.

Дастур тўрт соатдан зиёд давом этди. Агар у тонггача давом этса ҳам экран қаршисидан жилмаган бўларди.

Очиғи, концертлардан кўнгли тўлманган ҳам йўқ эмас, албатта.

— Дастурлардан мухлис сифатида кўнглим тўлмади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Муяссар Раҳимова. — «Хоразм маданияти ва санъати ҳафталиги» ҳақида эълон қилишганида жуда кўп нарсдан умидвор бўлгандим. Маданият ва санъат кенг қармоли тушунча. У фақат куй-кўшиқ ёки рақсдан иборат эмас. Дейлик, кўрсатувларнинг бирида Хоразм вилоят театри жамоаси сахналаштирган «Жалолддин Мангуберди», «Тўмарис» спектаклидан парчалар намойиш қилиш мумкин эди. Тўғри, кўрсатувларнинг айрим сонларида вилоят кўйирчоқ театри жамоаси қатнашди. Аммо, уларнинг чиқишлари мухлисларни қониқтирадиган даражада бўлмади. Қисқаси, ҳафталикка театрлар ҳам жалб қилинса, айтиш мумкин.

— Ушбу ҳафталикнинг Ичан қалъада ўтказилганини инобатга олсак, уни янада жозибдор қилиб ташкил қилиш имкониятлари кўп эди, — дейди меҳнат фахрийси Қурбонбика Ўрозметова. — Айтилик, Хулқар Абдуллаеванинг концерти машҳур Исломуҳжа мадрасаси олдида бўлиб ўтди. Ушбу мадраса ҳозирда музей. Шу музейга беш дақиқалик саёҳат ташкил қилинса, уни уюштиришда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳиссаси борлиги билинади. Зеро, бошловчи неча марта



шу ташкилотга миннатдорчилик билдирмасин, ушбу идора вакилларининг концерт учун астойдил тер тўкишгани сезилмади.

Айрим юртдошларимиз Хоразмда жонли ижрону «қийиб кўядиган» ҳофизлар кўпчилигини, аммо улар концертда кўринмагани, умуман, дастурга тор доирадаги санъаткорлар таклиф қилинган, оқибатда эса Хоразм санъати бор буй-баста билан кўринмаганини айтишди.

Ҳа, фикрлар хилма-хил бўлиши тайин. Зеро, ҳар кимнинг ўз қарачи, ўз диди бор. Ушбу дастурларни томоша қилган

мухлис сифатида менинг ҳам кўнглимдан қатор фикрлар ўтди. «Sevimli» телеканали жамоасининг меҳнатлари эътирофга лойиқ. Ҳақиқатан, катта лойиҳага кўл урилган. Давлат бюджет ҳисобига кун кўриб ўтирган телеканаллар амалга ошириши мумкин бўлган лойиҳа ушбу телеканал томонидан муваффақиятли амалга оширилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, карантин кунларида Тўртқул туманининг «ТВ» телеканали ҳам жонли ижродаги концертлар тез-тез эфирга узатиб, Хоразм санъати мухлисларини хушнуд қил-

маганлардан кўра минг чандон устун эди. Улар халққа хушнудлик бағишлаган бўларди.

Хоразмда яна дунёда ўхшаши йўқ халқчилик санъати ҳам бор. Тўғри, Хулқар Абдуллаева ушбу йўналишда ашулалар ижро қилди. Аммо, хоразмлик асл халқлар ашулани ўзлари аккордеон ва доира чалиб айтишади. Бунинг жозибаси, таровати бутунлай бошқача.

Ҳаммага маълумки, Хоразм хунармандчилиги, гиламчилиги ва минаторча санъати етти иқлимга дoston. Концертлар эзиб олган майдонларда уларнинг кўргазлари ҳам ташкил қилинса яхши бўларди, деб ўйлаб юргандим. Дастурнинг охириги кунда гиналарим андак ариди. Кўргазма ташкил қилинди. Бироқ, хунармандларнинг меҳнати барибир очиб берилмади. Эътибор қилган бўлсангиз, шу кун Самандар Ҳамроқул хунармандлар меҳнатини ҳам, Нуриллабой саройи тарихини ҳам очиб беришга ҳаракат қилди. Аммо, кўлида маълумотлар йўқлиги панъ берди.

Ҳафталик доирасида маданиятимизнинг юраги бўлган шеърят ҳеч кимнинг ёдига тушмади. Ваҳоланки, Хоразмда Оғаҳийнинг юзлаб издошлари баракали ижод қилишмоқда. Хоразмда яна истеъдодли расомлар, ҳайкалтарошлар ҳам кўп. Умуман, ҳафталикнинг ҳар бир кунига охириги кундаги каби ёндашилганда, мухлисларга янада кўпроқ маъқул-у манзур бўларди.

Ташкилотчилар бу фикр-мулоҳазаларга жавобан «карантин»ни баҳона қилишлари мумкин. Ушбу ҳафталикни ташкил қилишда кўплаб ташкилотлар, инсонлар иштирок этгани, вақт ҳам етарлича бўлганлигини инобатга олсак, бу баҳонадек туялади. Фикрларимиз маданият ва санъат ҳафталиклари бошқа вилоятларда ташкил қилинганда инобатга олинса, тадбирларнинг «исми жисмига мос» ўтишига хизмат қиларди. Йўқса, ушбу дастурларни шунчаки бир қанча санъаткорларнинг концерти сифатида номлаш мақсада мувофиқ.

Зеро, шавла «ош» деб тортиқ қилинса, уни таътиб кўрмасдан фарқига борадиганлар ҳам бор ва улар кўпчилик, ахир!..

маганлардан кўра минг чандон устун эди. Улар халққа хушнудлик бағишлаган бўларди.

Хоразмда яна дунёда ўхшаши йўқ халқчилик санъати ҳам бор. Тўғри, Хулқар Абдуллаева ушбу йўналишда ашулалар ижро қилди. Аммо, хоразмлик асл халқлар ашулани ўзлари аккордеон ва доира чалиб айтишади. Бунинг жозибаси, таровати бутунлай бошқача.

Ҳаммага маълумки, Хоразм хунармандчилиги, гиламчилиги ва минаторча санъати етти иқлимга дoston. Концертлар эзиб олган майдонларда уларнинг кўргазлари ҳам ташкил қилинса яхши бўларди, деб ўйлаб юргандим. Дастурнинг охириги кунда гиналарим андак ариди. Кўргазма ташкил қилинди. Бироқ, хунармандларнинг меҳнати барибир очиб берилмади. Эътибор қилган бўлсангиз, шу кун Самандар Ҳамроқул хунармандлар меҳнатини ҳам, Нуриллабой саройи тарихини ҳам очиб беришга ҳаракат қилди. Аммо, кўлида маълумотлар йўқлиги панъ берди.

Ҳафталик доирасида маданиятимизнинг юраги бўлган шеърят ҳеч кимнинг ёдига тушмади. Ваҳоланки, Хоразмда Оғаҳийнинг юзлаб издошлари баракали ижод қилишмоқда. Хоразмда яна истеъдодли расомлар, ҳайкалтарошлар ҳам кўп. Умуман, ҳафталикнинг ҳар бир кунига охириги кундаги каби ёндашилганда, мухлисларга янада кўпроқ маъқул-у манзур бўларди.

Ташкилотчилар бу фикр-мулоҳазаларга жавобан «карантин»ни баҳона қилишлари мумкин. Ушбу ҳафталикни ташкил қилишда кўплаб ташкилотлар, инсонлар иштирок этгани, вақт ҳам етарлича бўлганлигини инобатга олсак, бу баҳонадек туялади. Фикрларимиз маданият ва санъат ҳафталиклари бошқа вилоятларда ташкил қилинганда инобатга олинса, тадбирларнинг «исми жисмига мос» ўтишига хизмат қиларди. Йўқса, ушбу дастурларни шунчаки бир қанча санъаткорларнинг концерти сифатида номлаш мақсада мувофиқ.

Зеро, шавла «ош» деб тортиқ қилинса, уни таътиб кўрмасдан фарқига борадиганлар ҳам бор ва улар кўпчилик, ахир!..



Мухаббат Тўрабоева, «ISHONCH»

Ташкилотчилар бу фикр-мулоҳазаларга жавобан «карантин»ни баҳона қилишлари мумкин. Ушбу ҳафталикни ташкил қилишда кўплаб ташкилотлар, инсонлар иштирок этгани, вақт ҳам етарлича бўлганлигини инобатга олсак, бу баҳонадек туялади.

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2020 йил 25 июнь кунини соат 12:00да ташкил қилинадиган такрорий аукцион савдоларига «Агробанк» АТБ Тошкент шаҳар филиалининг 04.06.2020 йилдаги 05-1399-сонли буюртмасига асосан банк ҳисобидаги 2013 йилда и/ч. д/р 01 889 WCA бўлган «Ласетти Chevrolet» русумли енгил седан автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 63 917 000 сўм.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси 2020 йил 25 июнь кунини бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2020 йил 2-, 9-июль кунлари соат 12:00да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари 2020 йил 25 июнь кунинидаги савдо учун 24 июль, 2 июль кунинидаги савдо учун 1 июль, 9 июль кунинидаги савдо учун 8 июль кунинида қадар (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

— «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдориди закат пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ҳар бир мулк бўйича алоҳида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда ва (яна) қўшимча хизматлар учун алоҳида тўловларни тўлашлари ҳамда аукцион савдоси голиби бўлган талабгорлар аукцион ташкилотчисининг ҳисобрақамига мулк сотилиш нархининг 1,0 (бир) фоизи миқдорда комиссия йилгинини тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси голибига 10 кунлик муддат ичида пул тўловларини тўлаш мажбурияти юклатилади.

Закат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842711001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган мулк билан банк ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Геофизика кўргони. Тел.: (99) 862-16-71 E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174

«BEST AUKSION SAVDO» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2020 йил 25 июнь кунини соат 14:00да ташкил қилинадиган аукцион савдоларига «Ўзбекгеофизика» АЖ «Яккабоб экспедицияси филиали»нинг 01.06.2020 йилдаги №01/1-167-сонли буюртмасига асосан экспедиция ҳисобидида қуйдаги 19 бош чорва моллари ахлит бағриликда қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 168 139 825 сўм

№	Кўрсаткич рақами	Чорва тили	Тура	Раса	Жанси	Тура реалли	Тура вақти
1	000606	савдо	ахлит	урун	0911	218	
2	000607	савдо	ахлит-савдо	урун	0912	286	
3	000611	савдо	ахлит	урун	0913	250	
4	000612	савдо	ахлит-савдо	урун	0915	212	
5	000613	савдо	ахлит	урун	0916	352	
6	000614	савдо	ахлит	урун	0917	219	
7	000615	савдо	ахлит-савдо	урун	0917	218	
8	000619	савдо	ахлит	урун	0918	285	
9	000620	савдо	ахлит	урун	0919	160	
10	000625	савдо	ахлит-савдо	урун	0920	180	
11	000632	савдо	ахлит-савдо	урун	0291	140	
12	000	Тава 2018 йил	ахлит-савдо	урун	000	158	
13	000	Тава 2018 йил	ахлит-савдо	урун	000	95	
14	000	Тава 2018 йил	ахлит-савдо	урун	000	79	
15	000	Тава 2018 йил	ахлит-савдо	урун	000	119	
16	000	Тава 2018 йил	ахлит-савдо	урун	000	180	
17	000	Буюртма 2019 йил	ахлит-савдо	урун	000	57	
18	000	Буюртма 2019 йил	ахлит-савдо	урун	000	26	
19	000	Буюртма 2019 йил	ахлит-савдо	урун	000	38	

соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан:

— аукцион ташкилотчиси билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизи миқдориди закат пуллари тўлашлари;

— жисмоний шахслардан паспорт нусхаси;

— юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси, шунингдек, раҳбарнинг

паспорт нусхаси, савдода қатнашувчи ишончли вакил учун белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар ҳар бир мулк бўйича алоҳида энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдорда ва (яна) қўшимча хизматлар учун алоҳида тўловларни тўлашлари шарт.

Аукцион савдоси голибига 10 кун муддат ичида тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилади.

Закат тўлови учун реквизитлар: «BEST AUKSION SAVDO» МЧЖ, х/р: 20208000500842711001, «Қишлоқ қурилиш банк» АТБнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали, МФО: 00452, СТИР: 305300366.

Аукцион савдосига қўйилган чорва моллари билан «Ўзбекгеофизика» АЖ «Яккабоб экспедицияси филиали»нинг ходими иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил: Тошкент вилояти, Қўнраб тумани, Геофизика кўргони. Тел.: (99) 862-16-71. E-mail: bas_savdo@mail.ru

Гувоҳнома: № 576174

Митти ҳикоялар

Қашқадарёлик Ойшахон деган курсдошимиз қишда ҳар доим чиройли оқ рўмол ўраб юрарди. Рўмол унинг нафақат бошини, балки елкаларини ҳам беркитиб турарди.

Ойшахоннинг рўмоли

Кўпчилигимиз қаҳратон совуқ кунлари дарсларда аксириб йўталиб ўтирардик. Ойшахон эса шамоллаш нималигини билмасди. Унинг гапига қараганда, ҳамма гап рўмолида – у эчкининг нозик ва майин жунларидан қилинган бўлиб ўтибди.

Бир йили қиш жуда қаттиқ келди. Доимо бошланг юрайдиган самарқандлик курсдошимиз шамоллаб, дард ўтказишга ўтиб кетибди. Дўхтирларнинг тавсияси билан Сочидидаги санаторийда даволашни учун унга йўлланма беришди.

Биласизки, талабага Сочига боришнинг ўзи бўлмади. Йўлга, йигирма тўрт кунлик майда-чуйдаларга пул керак. Стипендияга ҳам анча бор. Шу боис, курсдошлар чўнтакларимизни қоқиштириб йиққан пулимизни мўлжалдагининг ярмига ҳам етмади. Гуруҳ сардори сифатида бошим қотиб турганда, Ойшахон хонамга кириб келди-да, «Отам жўнатибди, шуни ҳам ишлатинлар», деб кўлимга бир даста пул тутқазди.

Қиз боладан пул олиш – уят. Лекин иложи йўқ. Стипендиялардан тўплаб, қайтаримиз, деб ўйладим да, олиб қолдим.

Бемор курсдошимиз Сочига жўнаб кетди.

Икки-уч кундан кейин факультет фойсидида кийимхонада ишловчи аёлга пальтоимни топшираётиб, унинг бошидаги оқ тивит рўмолга кўзим тушибди, ҳаелимдан ўтди: опада ҳам бор экан-да, Ойшахоннинг рўмолидан.

Шу пайт Ойшахон олдимдан ўтиб, аудиторияга кириб кетди.

У рўмолини эди.

Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-0009

7201040009

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АХМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Раъшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМУҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ, (Бош муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўйича),

Меҳриддин ШУКУРОВ, (Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қоракўлiston Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-31 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-23 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдар